Фуқаро сўзи – Ўзбекистон салтанатининг, русча ПОДДАННЫЙ ва инглизча SUBJECT, каби асосий атамасидир

Мен **ФУҚАРО** атамаси юзасидан ушбу мақолани ёзишимга Youtubeдаги **Ko'zgu** деган каналда "***Sh.Mirziyoyevning pasportiga "gado, bechora" deb yozilgan". Konst.dan "FUQARO" yo'q qilinishi shart***" [1], деган видеокўрсатув сабаб бўлди. Чунки бу видеокўрсатувнинг номи ва "қахрамони" Рўзмат Тожимуродов ҳамда унинг бошловчиси Абдуқодир Мўминовлар ўртасида бу видео бошида бўлиб ўтган мулоқот ва уларнинг ноўрин ва нотўғри фикрлари мени жуда ҳам таъжубга солди. Шунинг учун ҳам ушбу мақоламни ўша мулоқатдан бироз қисқартирилган иқтибос келтириш билан бошлайман.

Шундай қилиб Рўзмат Тожимуродов бу видекўрсатув бошида: "***фуқаро***" *атамаси – фақир, камбағал, ғариб, бечора, гадо – бир кунлик емишини топа олмайдиган одам, таржимаси бу. Бу таржимани Европа мамлакатлари аҳолиси билмаслиги мумкин. Лекин барча мусулмон мамлакатлар аҳолиси билади. Бизани паспортимиздаги фуқаро атамасини кўриб туриб, шу мусульмон мамлакатларига чиқиб юрган одамларнинг ҳаммаси шарманда бўлиб қайтади. Мана Асраб Ахмедов деган профессор борла, ўша айтадики: фуқаро атамаси пешонамизга қора тамға қилиб ёпиштирилган, – дияпти. Бу тилшуносликка ҳам тўғри келмайди, динга ҳам, и одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди*", деган ўта ахмақона ва ёлғон гапларни айтаётган жойда Абдуқодир Мўминов унинг бу гапларини бўлиб: "*Яъни араб мамлакатларига борганда араблар* (паспортимизга) *мундай қилиб қараб: сен гадо экансанда, сен фақр экансанда, – дер эканда а?* – деб берган саволга Рўзмат Тожимуродов: ***ҳа шундай дейди***, – деб жавоб берди.



Бироқ, зангори жилдли, **Ўзбекистон Республикаси фуқоросининг паспортида** ҳам, тўқ қизил жилдли **хорижга чиқиш биометрик паспортида** ҳам – **ФУҚАРО**, деган атама ёки сўз уларнинг биронта сатирига ёзилмаган. Уларда лотин алифбосида ўзбек ва инглиз тилидаги: "**FUQAROLIGI/NATIONALITY**", деган ёзувлар жойлаштирилган сатир бўлиб, ўзбек тилидаги **FUQAROLIGI** деган сўзнинг инглиз тилига таржимаси **NATIONALITY** эканлигини кўриш ва билиш мумкинки. Паспортнинг бу қатори (графаси) 16 ёшга тўлган болалардан тортиб барча ёшдаги фуқоролар учун: "**UZBEKISTAN**" деган, ватанимизнинг инглизча тилидаги ёзуви ёки талафуздаги номи билан тўлдирилган. Ўзбекистон фуқоросининг бу паспортларидаги – "**FUQAROLIGI"** деган норматив-ҳуқуқий атама "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси 1-қисмига асосан [2]: *"...шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисида ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди*".

Бундан ташқари ҳалқаро стандартларга тўғри келадиган янги идентификацияловчи ID-карта деб ҳам аталадиган **Ўзбекистон фуқаросининг шахс гувоҳномаси**да ҳам **ФУҚАРО** деган **ҳуқуқий-норматив атама** унинг ҳеч қаерига ёзилмаган.

Бундан чиқди Шавкат Мирзиёевнинг паспортига муҳокама қилинаётган видеокўрсатувнинг сарлавҳасига чиқариб лотинча ёзиб қўйилган "**гадо**" ва "**бечора**" деган сўзлар мутлақо йўқ. Шавкат Мирзиёевнинг паспортига бундай сўзлар ёзилган дейиш: – Бу ғирт ёлғон ва ушбу видеокўрсатув томошабинларини чалғитиб, уларни ва Ўзбекистон Республикаси Президентини **ФУҚАРО** норматив-ҳуқуқий атаманинг душманларига айлантиришга қаратилган мансаб сохтакорлигидир! – дейиш ҳам мумкин.

Демак, ҳар қандай араб, ўзбекнинг хорижга чиқиш паспортини қўлига олиб кўрганида, у нафақат лотин алифбосини, ундан ташқари инглиз тилини ҳам билиши керакки, бу расмий ҳужжатнинг юқорида айтиб ўтилган сатирида бундай паспортнинг эгаси Ўзбекистонлик эканлигини ва паспортдаги "**FUQAROLIGI**" деган норматив-ҳуқуқий атамасининг инглиз тилига таржимаси "**NATIONALITY**" эканлигини билиб олади. Шунинг учун ҳам араб мамлакатларига борган ўзбекистонликлар ўз паспортларини чегарадан ўтиш чоғида чегарачи ва божхона ходимларига, меҳмонхоналар маъмурияти ва бошқа давлат идораларининг ваъкилларига кўрсатган чоғларида, агар улар араб миллатига мансуб бўладими ёки бошқа мусулмон мамлакатлардаги миллатларга мансуб бўладими, бундан қатъий назар, мен араб ва бошқа мусулмон мамлакатларига борган ўз тажрибамга таянган ҳолда: ***бизнинг одамларимиз бундай араблар ва бошқа мусулмон мамлакатларидаги миллатлар олдида ҳеч қачон шарманда бўлмаган, бундан кейин ҳам шарманда бўлмайди!*** – деб қатъиян айтишим мумкин.

Шундай қилиб, Рўзмат Тожимуродов ва Абдуқодир Мўминовларнинг бу масаладаги фикрлари мутлақо ноқонуний, асоссиз ва нотўғри десак, бу айни ҳақиқат бўладики, улар ҳатто ўзларининг хорижга чиқиш паспортлари ёки шаҳс гувоҳномаларини ҳам диққат билан ўрганиб чиқмаганликларини, уларнинг ўзлари юқорида иқтибос келтирилган ахмақона мулоқатлари орқали яққол намойиш қилган, десак бу айни ҳақиқат бўлади. Бироқ Youtube даги Ko'zgu деган каналнинг 207 мингдан зиёд томошабинларидан муҳокама қилинаётган видеони кўрган бир қисмида:

Нима учун бу видеонинг номи ёки сарлавҳасида Шавкат Мирзиёевнинг паспорти тўғрисидаги ёлғон гаплар ёзилган? Нега Рўзмат Тожимуродов ва Абдуқодир Муминовлар, юмшоқ қилиб айтганда, бу видеодаги ноўрин ва нотўғри фикрларни билдиришган? "***Фуқаро" деган атама тўғрсида ҳамда ушбу видеода бу норматив-ҳуқуқий атамани конституциямиз матнидан ўчириш ва уни ўрнига бошқа "бек", деган атамани киритиш тўғрисидаги фикрларга сиз қандай муносабатдасиз?*** – деган саволлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай саволларга мен қуйидагича жавоб беришим мумкин.

Биринчидан, ўзбек тили араб тили эмас! Шунинг учун ҳам ўзбек тилига арабизм сифатида кириб келиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатларидан ўрин олган, қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ҳолда, турлича изоҳлаш эҳтимолини истисно этадиган тарзда ягона шаклда ва тўғри қўлланилишини, қонун лойиҳаларида адабий тил қоидалари ва нормаларига ҳамда юридик, техник ва бошқа махсус қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида тузилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси [3] тасдиқлаганидан кейин қабул қилинган қонунларда, биринчи навбатда эса **Ўзбекистоннинг Республикасининг Конституцияси матнига ёзилгач, норматив-ҳуқуқий атамалар мақомига эга бўлган сўзлар, уларнинг араб тилидаги ва бу тилдан ўзбек тилига қилинган таржималари мазмун ва моҳияти қандай бўлишидан қатъий назар, ўзининг араб тилига мансублигидан тўлиқ маҳрум бўлиб, уларга берилган ўзбекча таърифларга монанд равишда, тўлиқ ўзбек тилидаги сўзлар ва норматив-ҳуқуқий атамаларга айланади**.

Лекин бундай қонун ва қойидалар борлигини ҳуқуқ маданияти ўта паст даражада бўлган Рўзмат Тожимуродов, Абдуқодир Муминов ва уларнинг юқоридаги видеода қатнашган ҳамтавоқлари, шу билан бир қаторда улар мурожаат қилган мутаҳассислар, олимлар ва дин пешволари ҳам мутлақо билмайдилар, десак, бу сира ҳам ҳато бўлмайди.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Э. БЕГМАТОВ, А. МАДВАЛИЕВ, Н. МАҲКАМОВ, Т. МИРЗАЕВ (раҳбар),
Н. ТЎХЛИЕВ, Э. УМАРОВ, Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА, А. ҲОЖИЕВ

А. Мадвалиев таҳрири остида

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
Давлат илмий нашриёти
Тошкент

Иккинчидан, агар биз араб тили ва алифбосидаги اَلْفُقَرَاءُ кўринишда ёзилиб "***ал фуқарауъ***" деб талаффуз қилинадиган калимадан ажратиб олинган فُقَرَ кўринишда ёзилиб "**фуқараъ**" деб талаффуз қилинадиган калима (сўз) ёки атама устида тўхталадиган бўлсак, бу арабча сўзни ўзбек тилига Рўзмат Тожимуродов ва у йўлиққан мутаҳассислар, олимлар ва дин пешволари қилган таржималардаги сўзлар билан ифодаланиши нотўғри десак, бу фикр сира ҳато бўлмайди.

Чунки 2021 йили Ўзбекистон нашрётида босиб чиқарилган "***Ўзбек тилининг изоҳли луғати***" деган китобнинг 369-бетида: "**Фуқаро** [а. الفقراء – "фақир" с. кўпл.] **1**. *Бирон мамлакатнинг доимий (муайян юридик ҳуқуқларга эга бўлган аҳолиси, гражданлар…*", – деган изоҳлар берилиб, Комил Яшиннинг Хамза романидан ва Мирмуҳсиннинг "Меъмор" ва "Умид" деган

романларидан “***фуқаро***” сўзи акс этган иқтибослар келтирилган [4]. Шу билан бир қаторда бу изоҳли луғатнинг муаллифлари “**фуқаро**” сўзи “***фақир***” деган арабизм пайдо бўлишида асосий рўл ўйнаган فقير – “**фақиир**”, деган сўзнинг الفقراء – “**Ал-фуқаро**” деган кўпликни билдирувчи олмошидан иборатдир деган ҳато фикр билдирганларки, Рўзмат Тожимуродов ўзининг бу масаладаги ҳато фикрини изоҳли луғатнинг ўша жойидан олган бўлиши ҳам мумкин. Чунки фақир (яъни فقر – фақр) деган арабча сўзнинг кўпликни билдирувчи олмоши фақирлар деб ёзилганидек, бу арабча сўзнинг кўпликни билдирувчи олмоши فقيرة (фоқира) деб ёзиладики ва талаффуз қилинадики, уни فُقَرَ (фуқароъ) деб ёзиб –فقر (фақр) деган сўзнинг кўпликни билдирувчи олмоши деб аташга сира ҳожат йўқ.

Учинчидан, энг муҳими: араб алифбосида الْفُقَرَاءُ кўринишида ёзилиб “***ал фуқарауъ***” деб талаффуз қилинадиган сўздан فُقَرَ (фуқараъ) деган сўзни ажратиб олиб, улар араб тилга ким томонидан ва қандай қилиб киритилган? – деган саволни ўртага ташласак, бу саволга, биринчи ўринда, Рўзмат Тожимуродов ва у мурожаат қилган араб тили бўйича мутаҳассислар ва олимлар ҳамда дин пешволари ҳеч қачон эътибор бермаган **Қуръони Карим**нинг “***Фотир***” (Яратувчи) деган 35-сурасидаги 15-оятидан жавоб топишимиз мумкин. Чунки бу оятда:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَنتُمُ الْفُقَرَاءُ إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ

(Йа ъАю ҳа Ан-Насу ъАнтиму Ал-Фуқарауъ ъИла Ал-Лаҳу ва Аллаҳу Ҳува Ал-Ғанийа Ал-Ҳамиду),

дейилганки. Бу оятни араб тили бўйича мутаҳассис ва олимлардан ўзбек тилига таржима қилиб беришларини сўрасангиз, улар Қуръони Каримдаги бу оятни, жуда кўп сайтларда ҳам эълон қилинган:

1. “***Эй одамлар, сизлар Аллоҳ ҳузурида фақирсизлар, Аллоҳ эса бой ва мақтовга лойиқдир***”;
2. “***Эй одамлар, сизлар Аллоҳ учун камбағалсиз, Аллоҳ эса яхши ва бой зотдир***”,

деган ва шунга ўхшаш нотўғри мазмунда таржима қилиб берадилар, десам – бу сира ҳам ҳато бўлмайди.

Бироқ бу оятининг шайх **Алоуддин Мансур** ўзи изоҳли равишда таржима қилган ва “*Шарқ нашрёти – матбаа концерни*”да 1992 йилда нашр этилган (ISBN 5-635-01102-0) **ҚУРЪОНИ КАРИМ *ўзбекча изоҳли таржима***, деган китобдаги [5] “***Фотир***” номли 35-сурасининг бу китобдаги 304-бетда жойлашган 15-оятида :

“**Эй инсонлар, сизлар Аллоҳга муҳтождирсизлар. Аллоҳнинг Ўзигина** (барча одамлардан) **беҳожат ва** (барча) **мақтовга лойиқ Зотдир**”,



деб ёзилган бўлса. **Алоуддин Мансур** таржима ва тафсир муаллифи деб кўрсатилган ва “*Тошкент ислом университети*” нашрёт-матбаа бирлашмаси 2004 йили нашр қилган **Қуръони Карим** “***Фотир***” ***маъноларининг таржима ва тафсири,*** деган китобдаги [6] “**Фотор**” номли 35-сурасининг бу китобдаги 436-бетда жойлашган 15-оятида:

“**Эй, инсонлар! Сизлар Аллоҳга мухтождирсиз. Аллоҳ, эса, албатта, беҳожат ва хамдга лойиқ зотдир**”,

деб ёзилган.

Демак бу оятда فُقَرَ (фуқараъ) деган арабча сўз, ўзбек тилига юқоридаги номи тилга олинган видеокўрсатув қахрамонларининг айтганлари ва 2021 йили нашр қилиниб 80 минг сўзни ўз ичига олган беш жилддан иборат “***Ўзбек тилининг изоҳли луғатида***”да акс этган: фақир (فقر – фақр), қашшоқ (سُبْرُوتٌ – субдрутун), камбағал (سعلوك – суълук), гадо (متسول – мутасаввил) ва бечора (مسكين – мискинун), деб эмас, балки **МУХТОЖ**, яъни, **инсоннинг Аллоҳга мухтожлиги** маъносида **Қуръони Каримнинг** “***Фотир***” деган 35-сураси 15-ояти таркибида Аллоҳ томонидан **КАМАБАҒАЛ** маъносини ифода этувчи فقر (фақр) калимаси орқали эмас, балки араб

алифбосидаги الْفُقَرَاءُ кўринишда ёзилиб **Ал-Фуқарауъ** деб талаффуз этиладиган ва **МУҲТОЖЛАРДИР** [(are) those in need – (являются) нуждающимися] деган кўпликни билдирувчи олмош (местоимение) маъносида ишлатилганки. Бу сўзни Ҳива ва Қўқон хонликлари ҳамда Буҳоро амирлигининг ислом динининг таянчи бўлган (ва ҳаттоки Ҳудонинг ердаги сояси ёки ваъкили деб ҳам аталган) ҳукмдорлари ўз аҳолисининг фақирлар, қашшоқлар, камбағаллар, гадойлар ва бечоралар деб аташ мумкин бўлган озчиликни ташкил қилган қатламини эмас, балки деҳқонлар, ҳунармандлар ва савдогарлардан иборат солиқ тўловчи табақаларини **Аллоҳга муҳтож одамлар** ёки қисқача қилиб – "***фуқара"*** ва "***фуқаралар***", деб аташган десак, бу сира ҳам ҳато бўлмайди, деган фикрдаман.

Қуръони Каримнинг "***Фотир***" деган 35-сурасидаги 15-оятнинг шайх **Алоуддин Мансур** қилган иккала таржимаси ҳам [5-6] тўғри эканлигини бу муқаддас китобни доғистонлик таржимон Османов Магомед-Нури Османович рус тилига қилган қуйидаги изоҳли таржимаси ҳам тўлиқ тасдиқлайди, десак – бу жуда ҳам тўғри бўлади. Мана ўша таржиманинг рус тилидаги матни:

"**О люди! Вы нуждаетесь в Аллахе, а Аллах** [ни в чем] **не нуждается, и Он – хвалимый**".

Бу оятнинг юқорида келтирилган русча изоҳли таржимасини: ўзбек тилига: "***Эй одамлар! Сиз Аллоҳга муҳтожсиз, Аллоҳ эса*** [ҳеч нарсага] ***муҳтож эмас ва У ҳамду саноларнинг эгасидир***", деган сўзлар билан таржима қилиш мумкин.

Бундан чиқди **ФУҚАРО** деган норматив-ҳуқуқий атама муҳокама қилинаётган видеокўрсатув қахрамонлари айтганидек ўзбек ҳалқини **ҲАҚОРАТ** қиладиган сўз сифатида **Ўзбекистон Республикаси Конституциясид**ан ва мен ўзим ишлаб чиққан **Ўзбекистон салтанати Конституцияси** лойиҳаси матнидан чиқариб ташлаб, ҳуқуқ маданияти ўта паст даражада бўлган, уни устига араб тилини ва **Қуръони Каримнинг** "**Фотир**" деган 35-сурасининг 15-ояти матнидаги Аллоҳнинг сўзларини мутлақо билмаганлиги учун уни қалбакилатириш орқали гуноҳ қилиб келаётган Рўзмат Тожимуродов таклиф қилаётган **БЕК** деган атама билан алмаштириш зарур бўлган ўта салбий маъноларни англатувчи норматив-ҳуқуқий атама эмас экан, деган ҳулоса чиқарсак – бу жуда ҳам тўғри бўладики. Рўзмат Тожимуродов олға сурган таклифни амалга ошириб, **БЕК** деган атамани конституциямиздаги **ФУҚАРО** деган норматив-ҳуқуқий атама ўрнига киритиш керак, деган фикрни бу ҳуқуқ маданияти ўта паст даражада бўлган шахс, тарих ва Қуръони Карим 35-сурасининг 15-ояти тафсирлари бўйича етарли билимга эга бўлмаганлиги. Яъни Рўзмат Тожимуродов, масалан, тарих бўйича илмий мақолалар, китоблар ҳамда олий ўқув юртлари учун ёзилган дарсликларни ўқимаганлиги учун, у Буҳоро амирлиги **27 та бекликлардан** ташкил топган бўлиб, уларни амир томонидан тайинланадиган ҳокимлар, яъни – **беклар** идора қилганлигини; Ҳива ҳонлигини эса **18 та бекликни** хон томонидан тайинланган **беклар** ва нойибликларни **нойиблар** идора қилганларини; Қўқон хонлиги эса **15 та бекликлардан** иборат бўлганлигини ва уларни ҳам хон ўзи тайинлайдиган ***беклар*** идора қилганлигини билмаганлиги учун, ўртага ташлаган десак, бу ҳулоса ҳам сира ҳато бўлмайди, деб ўйлаймамн.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясида акс этган **ФУҚАРО** атамасидан воз кечиб, уни ўрнига Рўзмат Тожимуродов таклиф қилаётган **БЕК** атамасини киритиш Ҳива ва Қўқон хонликлари ҳамда Буҳоро амирлиги тарихи нуқтаи назардан ҳам, бу атаманинг ўзбекча маъно ва мазмуни жиҳатидан ҳам мутлақо ўринсиз таклиф, деган фикрдаман. Чунки бу ўзбек салтанатларида пайдо бўлган **БЕК** ва **БЕКЛИКЛАР** деган атамалар, уларга берилган таърифлар нуқтаи назаридан рус тилидаги **КНЯЗЬ** ва **КНЯЗЛИКЛАР**, инглиз тилида – **PRINCE** ва **PRINCIPALITY**, арабчада эса أمير (ъАмиир) ва الإمارة (Ал-ъИмаро) деган сўзларга ёки атамаларга тўғри келади, дейиш мумкинки. **БЕК** тушинчаси тарихда мавжуд бўлган салтанатларнинг рус тилидаги **ПОДДАННЫЙ** ва инглиз тилидаги **SUBJECT** деган норматив-ҳуқуқий атамаларига берилган таърифлардан жуда ҳам йироқдир.

Энди Рўзмат Тожимуродовнинг юқорида номи тилга олинган видеокўрсатувда: "***Фуқаро атамасининг бизга кириб келиши Советлар даври билан боғлиқ эмас...*** *академик Азиз Қаюмовни* (айтиши бўйича) *баъзи ёзувчи ва шоирларни таклифи билан, асосан Примқул Қодировнинг таклифи билан* (халқни фуқоро деб аташ) *ўтиб кетди. Ўша пайтда бизи раҳматли Президентимиз Ислом Каримов ўзбек тилини яхши тушинадиган одам бўлмаган... Унга фарқ бўлмаган фуқаро деб*

айтганликнинг. Унга қанча кўпроқ гапириб, кўпроқ исбот келтириб берадиган одам бўса, шуни гапига ишонган ўша пайтда...”, – деган гапларни ҳам тилга олган.

Лекин Рўзмат Тожимуродовнинг “***Фуқаро атамасининг бизга кириб келиши Советлар даври билан боғлиқ эмас...***”, деган фикри ёлғон эканлигини, биринчидан, 1981 йили, яъни СССР ёки советлар даврида бу давлатнинг пойтахти бўлган Москвадаги “*Руский язык*” нашрётида ўзбек тилида чоп этилган икки томли “***Ўзбек тилининг изоҳли луғати***” деган китобнинг 2-томининг 309-бетида “***фуқаро***” сўзи арабча қандай калимадан келиб чиққанлиги кўрсатилмагани ҳолда ёзилган изоҳлар берилган ва унга: “**Фуқаро** [а] 1. *Бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси, граждалар*”, деган таъриф берилиб, ёзувчи Парда Турсуннинг “*Ўқитувчи*” романидан бу атама қўлланилган 2 та иқтибос келтирилганлиги яққол исботласа [7].

Иккинчидан, Рўзмат Тожимуродовнинг: “***Фуқаро атамасининг бизга кириб келиши Советлар даври билан боғлиқ эмас...***”, деган гапи ҳам, ҳалқимизни “***фуқоро***” деб аташ ҳеч қандай асоссиз равишда шоир ва ёзувчилар, айниқса Пиримқул Қодировнинг таклифи билан, ўша даврда ўзбек тилини яхши билмайдиган Ислом Каримов учун, ҳалқимизни қандай аташнинг фарқи бўлмаганлиги тўғрисидаги фикрлари ҳам мутлақо нотўғри ва ёлғон. Чуники у “***ФУҚАРО***” атамаси: *биринчидан*, **ўзбек ҳалқининг номи эмас**, **балки унинг ҳуқуқий ҳолати эканлигини**; *иккинчидан,* Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасига:

“***Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади***”,

деган сўзлар ёзилганлигини, мутлақо билмаслигини яққол намойиш қилган, десак, бу ҳулоса ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Бундан ташқари, Рўзмат Тожимуродов, Ислом Каримов “***фуқараъ***” атамаси Ҳива ва Қўқон хонликлари ҳамда Буҳоро амирлигида мавжуд бўлганлигини. У Қашқадарё вилоятининг раҳбари бўлган кезлари, у ердаги аҳоли уни “***пошшомиз***”, деб атаганликларини гапириб бериб, унга халқ томонидан бундай ном берилишидан фахрланишини билдирган. У Ўзбекистон ССРнинг Президенти бўлган даврдаги 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон ССР ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилиб, ўша йилнинг 8 декабрида тарихга “*Беловеж битими*” деган ном билан ҳам кирган “*Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги Келишув*”га асосан ўша йилнинг 25 декабрида М.Гарбачев Марказий ТВ орқали СССР Президенти лавозимидан истеъфога чиққанлигини эълон қилганидан сўнг. СССР Олий Советининг Республикалар Кенгаши “*Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилиши муносабати билан Совет Иттифоқи ўз фаолиятини тўхтатиши тўғриси*”даги Декларацияни қабул қилиб, бу давлат қулаши натижасида мустақилликка эришиб Ўзбекистон Республикаси деб қайта номлангач, 1992 йили 8 декабрда **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн биринчи сессясида қабул қилинган эди. Лекин Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тайёрланаётган ва кенг муҳокама қилинган даврда, унинг 8-моддасига юқорида келтирилган қойида ёзилишига Ислом Каримов катта ҳисса қўшганлиги тўғрисида, ўша даврдаги Конституциявий комиссия аъзолари ва бу ишга гувоҳ бўлган бошқа раҳбар ҳодимлар гапиришган. Мен эса буни Наманган вилояти Норин туманидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаш депутатлигига сайланган Алижон Қўчқаровдан эшиганман.

Шунинг учун ҳам мен ўзимнинг: “*Что эффективнее для главы государства: иметь статус лидера нации или быть монархом?*” (“*Давлат раҳбарига миллат раҳнамоси мақомига эга бўлиш самаралими ёки монарх бўлишми?*”) [8], деб аталиб, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга Қозоғистоннинг Мажилиси деб аталадиган қуйи – Қонунчилик палатаси “***Миллат***

раҳнамоси” деган унвон берганлиги сабали ёзилган ва МДҲга аъзо малакатларнинг, шу жумладан Қозоғистоннинг, бир қанча интернет ва ананавий матбуотларида 2010 йилнинг 3 майидан сўнг эълон қилинган мақоламда Қозоғистон Республикасини Қозоғистон салтанатига айлантиришни таклиф қилган эдим. Бу мақолам Қозоғистон матбуотида ҳам эълон қилиганлиги учун, ўша мақолам қўшни мамлакат муштарийлари томонидан кенг муҳокама қилинган эди.

Лекин у пайтларда МДҲга аъзо мамлакатларда катта ҳурматга эга бўлган Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев менинг бу таклифимга мутлақо эътибор бермаган эди. Агар у менинг бу мақоламни ўрганиб чиққач, ундан тўғри ҳулоса чиқариб, давлатни бошқаришнинг Қозоғистонда ҳам ўзини оқлай оламаган республика шаклидан ва “*Миллат раҳнамоси*” унвонидан воз кечиб, давлатни бошқаришнинг салтанат шаклини жорий қилганида эди, у хозиргидагидек, ўзи ҳам, қизлари ва бошқа қариндош-уруғлари ҳам, қарайиб барча мулкларидан айрилмаган ва аянчли ахволга тушмаган ҳамда оммавий ахборот воситаларида улар БААдан (Дубайдан) сиёсий бошпана топди деган миш-мишлар тарқалмаган бўлар эди [9]. Ва у замонавий демократиянинг ватани бўлмиш Англия (ёки Буюкбритания) қироличаси Елизавета II каби иқтисодиётни бошқариш, ташқи и ва ички сиёсат ҳамда тегишли давлат ишларини ҳукумат раҳбари зиммасига юклаб қўйиб, бундай салтанатнинг умирбод давлат раҳбари лавозимини эгаллаган ҳолда, Қозоғистон аҳолисининг Ялпи ички маҳсулот бўйича яшаш даражасини, масалан, Ўзбекистон аҳолисининг айнан шудай яшаш даражаси кўрсаткичидан қарайиб 6 (олти) марта юқори даражага кўтариб қўйишни уддалаган давлат раҳбари сифатидаги эркатойига айланиб, бирон бир бошқа мамлакатда эмас, балки ўз Ватанида (Нурсултонда) бемалал, ҳузур-ҳаловатда яшаётган бўлар эди, деган фикрдаман.

Лекин мен ўша мақоламдаги ўз фикрларимин давом эттирар эканман: “*Ўзбекистон Республикасига келсак, унда, мен бунга чуқур аминманки, давлатни бошқаришнинг салтанат шаклини жорий этиш бизнинг жамиятимизда жиддий келишмовчиликларни келтириб чиқармайди. Чунки кўпчилик оддий одамларимиз азалдан халқимизнинг етакчиси Ислом Каримовни “пошшомиз” деб аташади. 1992 йилнинг 8 декабридан бошлаб Конституциямизнинг ўзбекча матнидан, рус тилига таржима қилинганда давлатни бошқаришнинг республика шаклига таълуқли асосий атамалардан бири бўлган “гражданин” атамасига мос келмайдиган “фуқаро” атамаси жорий этилганки, бу атама* (салтанатларнинг ёки монархияларнинг) *рус тилидаги "подданный" деган атамага мос келади. Маълумки бу атама Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам давлатни бошқаришнинг классик типдаги салтанат шаклига таълуқли асосий атамаларидан биридир*” [8], деган фикрларимни баён қилгач, уларнинг давомида:

“*..., Ўзбекистон парламенти аъзоларига* (депутатларга) *бу борада анча осон бўлади, чунки улар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг рус тилидаги матнини тўғрилаш ва унинг ҳар икки* (ўзбекча ва русча) *матнларидан давлатни бошқаришнинг республика шаклига таъллуқли ва биринчи галда, унинг сарлавҳаси ва матнидан “республика” деган атамани олиб ташлаши етарли бўлса керак*” [8], – деган эдим.

Шунинг учун ҳам мен бу ғоямнинг камчиликларини бартараф этган ҳолда уни ривожлантиришда давом этар эканман, ўзимнинг бошқа мақолаларимда ва видеокўрсатувларимда уни кенгайтириб ва такомиллаштира бориб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: “***Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир***” ва 8-моддасида: “***Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади***”, деган қойидаларни ва **ФУҚОРО** атамаси рус тилига полякчадан кириб келган **ПОДДАННЫЙ** ва инглизча **SUBJECT** деган атамаларга тўлиқ мос келишини инобатга олган ҳолда, амалдаги Конституциямизнинг 7 ва 8-моддаларига асосан: **Ўзбекистон хозир ҳам асли “*Ўзбекистон Республикаси*” деган номга эга бўлган салтанатдир – Ўзбекистон салтанатидир**, – деган ҳулосага келган эдим.

Лекин 2019 йилнинг бошида, рус тилида ёзилган ва ўша йилнинг 18 февралида ўзим раҳбари бўлган ва ОАВ сифатида давлат рўйҳатидан ўтган “***Фундаментальная экономика***” деган илмий-амалий журналда, кейичалик эса Россиянинг бир нечта машҳур журналларида, жумладан ЦентрАзия деган сайтда эълон қилинган: “***Предлагаю преобразовать Республику Узбекистан в монархическое государство***” [10], деган мақоламни ёзишим жараёнида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси тасдиқлаши керак бўлган: “**ЎЗБЕКИСТОН САЛТАНАТИ КОНСТИТУЦИЯСИ**”нинг лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси қабул қилиши керак бўлган:

“***Ўзбекистон Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантириш, Ўзбекистон салтанатининг Конституциясини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон салтанатининг биринчи давлат раҳбари сифатидаги умрбод Президенти этиб тасдиқлаш тўғрисида***”ги қўшма Қарорининг ва Баёнатининг **ЛОЙИҲАЛАРИНИ** тайёрлаб, уларни, 2019 йилнинг 12 мартида юқорида номи тилга олинган журналнинг ўзбек тилидаги саҳифасида эълон қилгач, уни бир неча бор таҳрирдан ўтказиб: “***Ўзбекистон Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантиришни таклиф қиламан***” [11], деган сарлавҳа қўйганимдан сўнг хозиргача 244650 дан зиёд муштарий ўқиб чиққан мақоламга навбатдаги гипер-ҳавола билан очиладиган манзилда илова қилганман.

Энди муҳокама қилинаётган “**Фуқаро**” деган норматив-ҳуқуқий атамани конституциямиздан ўчириш кераклиги тўғрисидаги видеокўрсатувга [1] собиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутати, АҚШ фуқароси Жаҳонгир Муҳаммад ўзининг Ютубдаги каналида: “***Jonli yoyin: Oriyat bormi, janob Mirziyoyev?***” [12], деган видеоролигида муносабат билдириб кўрсатувида муҳокама қилар экан, уни маъқуллаб, конституциямизнинг 8-моддасида ўз аксини топган **ФУҚРО** деган норматив-ҳуқуқий атама, қисқача қилиб айтганда, арабчадан таржима қилинганда камбағал ва қашшоқ дегани, шунинг учун ҳам уни **ВАТАНДОШ** ёки **ЮРТДОШ** деган сўзлардан бирига алмаштириш керак, деган фикр билдирган. Лекин бу сўзлар синоним сўзлар сифатида ўзбек тилининг изоҳли луғатларида бир ҳил маънони англатишини ва Жаҳонгир Муҳаммад илгари **ФУҚРО** атамасини Туркиянинг конституциясида мавжуд ва тўрк тилидаги рус тилига таржимаси “***гражданин***” бўлган “**VATANDAŞ**” (яъни “**ватандаш**”) деган норматив-ҳуқуқий атамага мослаб **ВАТАНДОШ** деган сўзга алмаштиришни таклиф қилганлигини эътиборга олиб, мен бу таклиф ҳам нотўғри деган фикрдалигимни билдирмоқчиман. Чунки бу сўз ҳам нораматив-ҳуқуқий атама бўлиб, унга “***Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида***”ги Қонунда [2]:

“***ватандош*** *— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари унинг ҳудудида яшаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган шахс ва унинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан кейинги қариндошлари, башарти, агар уларнинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлса*”, деган таъриф берилган.

Жаҳонгир Муҳаммад ўзининг юқорида номи тилга олинган видеоролигининг [12] 19-минути 23-секундидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Контитуциясига киритилиши таклиф қилинган ўзгартиришлар ҳақида гапириб, Акмал Сайидов бошлиқ Конституциявий коммисиянинг иш фаолиятини кескин танқид остига олган ҳолда, бу масалани кун тартибидан олиб ташлаб, уни тўхтатиш ва комиссия таркибини бошқатдан тузиш кераклиги тўғрисидаги ўз фикраларини билдирган.

Шунинг учун ҳам мен ушбу мақолани якунлар эканман бу масалада шахсан мен қандай таклифлар берганлигим тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман. Чунки мен 2022 йилнинг 13 июнида taklif@2022.uz электорон манзилга, 15 июнда эса “*Конституциявий комиссия Матбуот хизмати марказининг расмий телеграм боти*”га: “***Ўзбекистонда давлатни бошқаришнинг салтанат шаклига ўтиш учун Ўзбекистон салтанатининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклифлар***”имни жўнатиб, уларга юқорда кўрсатилган Ўзбекистон салтанати Конституцияси лойиҳасини ва Олий Мажлиснинг тегишли Қарори ва Баёнати лойиҳаларининг нусҳаларини ҳам илова қилган ҳолда, бу мурожатимни охирига:

“... мен сизлардан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бошқа фуқороларимиздан тушган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни эътиборга олинган ҳолда, уни янги таҳрирдан ўтказгач, Ўзбекистон Респбуликасининг янги таҳрирдаги Конституцияси ва мен таклиф

*қилаётган **Ўзбекистон салтанати Конституцияси** лойиҳасини муҳокамага қўйишни ва уларни Ўзбекистон конституциясининг муқобил лойиҳалари сифатида умумхалқ овоз бериш йўли билан "**Ўзбекистон Республикасида референдум тўғрисида**"ги Қонун асосида ўтказилиши мумкин бўлган референдумда қабул қилинишини ташкил этишларингизни ҳам таклиф қиламан...*",

деб ёзиб қўйганманки. Менинг бу таклифимни амалга ошириш учун амалдаги Конституциявий комиссия ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳали ҳам етарли вақт ва имконият бор. Чунки биз Шавкат Мирзиёевни келажакда Нурсултон Назарбоевнинг аянчли ахволига туширмаслик чораларини ҳозирдан кўришимиз керак, деган фикрдаман.

Шунинг учун ҳам мен 2022 йилнинг 1 февралида: "***2030 йилга бориб Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш стратегиясини таклиф қиламан***", деган мақоламни ҳамда 2022 йилнинг 9 мартида биринчи ва иккинчи қисмлардан иборат Ютубнинг сарлавҳадаги белгилар сонига қўйган талабига асосан қисқартириб: "***2030 йилга бориб Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш стратегияси***", деб номланган видеокўрсатувимни эълон қилганман. Ва бу стратегияда мен 2030 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси сони 40 миллионга етади деган прогнозни этоборга олган ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келадиган **Ялпи миллий даромад** бўйича аҳолимизнинг яшаш даражасини 2021 йилги даржадан 10 баробардан ҳам зиёдга ошириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайлов олди Дастурининг 15-бетида акс этган ва 4 минг АҚШ долларига тенг бўлган кўрсаткичдан 5,25 баробарга кўп, яъни 21 минг АҚШ долларига етказишни, республикамиз **Ялпи ички маҳсулоти** ҳажмини эса 800 миллиард АҚШ долларига етказиш сценарийларини таклиф этиб, улар асосида Ўзбекионни 2030 йилга бориб ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш мумкинлигини математик усиллар билан исботлаб берганманки. Бунинг учун Ўзбекистон ҳамма имкониятилар эга деган фикрдаман.

Адабиётлар

1. Ko'zgu. Sh.Mirziyoyevning pasportiga "gado, bechora" deb yozilgan". Konst.dan "FUQARO" yo'q qilinishi shart (https://www.youtube.com/watch?v=K1N85hlAFfI&t=13s).
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун (https://lex.uz/docs/4761984).
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 30 апрелдаги 121–III-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тўғрисидаги Низом» (https://lex.uz/docs/2667800).
4. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат миллий нашрёти. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20F.pdf).
5. ҚУРЪОНИ КАРИМ. Ўзбекча ироҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Тошкент. "*Шарқ нашрёти – матбаа концерни*", 1992.
6. ҚУРЪОНИ КАРИМ маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи: Алоуддин Мансур. –Тошкент. "*Тошкент ислом университети*" нашрёт-матбаа бирлашмаси, 2004
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. Т. 2. С-Ҳ (Маъруфов З.М. (муҳ.)) (z-lib.org).pdf (zlibcdn.com).
8. Абдуллаев Р. Что эффективнее для главы государства: иметь статус лидера нации или быть монархом? (https://regnum.ru/news/1285850.html).
9. В Дубае, где находится недвижимость семьи Назарбаева, сел секретный самолет из Нур-Султана — The Insider.
10. Абдуллаев Р. Предлагаю преобразовать Республику Узбекистан в монархическое государство (https://centrasia.org/newsA.php?st=1550602320).
11. Абдуллаев Р. Ўзбекистон Республикасини Ўзбекистон салтанатига айлантиришни таклиф қиламан (https://uz.fundamental-economic.uz/?page_id=1669).
12. Жаҳонгир Муҳаммад. Jonli yoyin: Oriyat bormi, janob Mirziyoyev? (https://www.youtube.com/watch?v=FMiV5_kR0lg&t=1085s).

Муаллиф: **Рустамжон Абдуллаев**, иқтисод фанлари доктори, академик. Тошкент.

Консультант: **Фарруҳжон қори Қобилжон ўғли Тожидинов**, исломшунос олим. Москва.

2022 йил 31 август.